

## **БҮЮК ШОИР ИЗДОШИМАН**

Муминова Мухлиса Латиповна

Халқимизнинг тинч, тўкин ва барқарор ҳаёти, ёруғ келажаги йўлида курашган инсонлар номи ҳақли равишда абадиятга дахлдордир. Анашундай ижодкорлардан бири ўзбек шоири ва жамоат арбоби, Ўзбекистон қаҳрамони, Давлат мадҳиямиз матнининг муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповдир. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга бағишлиланган тадбирлар иштирокчиси бўлганимдан бошим осмонга етди. Сабаби мен севган адаб, буюк истиодод эгаси, давлатимиз мадҳияси асосчиси Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ёрқин хотирасига бағишлиланган тадбир эди. Тадбирда шоирнинг рафиқаси Ҳанифа опа Абдулла аканинг ҳаётий кечинмалари ва фаолияти борасида тўлқинланиб гапириб унинг шеърларидан айрим намуналарни ўқиб берди. Шунингдек, Америкада умрининг охирги йилларида 6 ой мобайнида дард билан олишгани, шунда ҳам ижоддан тўхтамагани қалам ва қофозга садоқати ватанга бўлган меҳр билан йўғрилганини эътироф этди. Айниқса шоирнинг «Имтиҳон» деган шеърини менга жуда манзур бўлди, ушбу шеърда Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу. Шуни алоҳида айтиб утишим жоизки, шоирнинг ҳар бир шеъри унинг ҳаётининг, қалбидан кечган туйғуларнинг, изтиробларининг бир парчаси десам муболага бўлмайди. Абдулла Орипов ҳақида сўз кетганда ўзбекнинг танти ва жайдари фарзанди кўз олдимда гавдаланади. Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодачисидир. Институтимизда ҳам адабнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида йўл харитаси ишлаб чиқилиб шоир ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлиланган кўплаб маънавий-маърифий, бадиий ва ижодий тадбирларни барчасига иштирок этиш менинг асосий мақсадларим. Жумладан, Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишлиланган музей ташкил қилишда ҳам адабнинг ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлиланган онлайн-вебинарлар ташкил этишда ҳам, шунингдек, институтда Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлашда ҳам иштирок этдим. Ўзбекларга хос дошишмандлик, бағрикенглик,

**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Plano, Texas, USA.**

**Date:** 1<sup>st</sup> May - 2024

**ISSN:** 2835-3196

**Website:** econferenceseries.com

хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига сингиб кетган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор. Бундай эътирофлар ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Бир пайлар овози икки дарё оралиғида қолиб кетганидан ўксинган шоир истиқлолдан кейин дунё миқёсида эътироф этилди. Мен шундай шоирнинг издоши эканлигимдан фахрланаман.



**E-Conference Series**

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings